
Одам савдоси – бу давр муаммоси

Одам савдоси бу вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш (чақалоқларни сотиш), ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилишдир.

Одам савдоси — куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эркисиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади.

Одам савдоси билан шуғулланувчи шахс — мустақил равишда ёки бир гуруҳ шахслар таркибида одам савдоси билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатни содир этувчи жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек ўз ҳаракатлари билан одам савдосига кўмаклашадиган, худди шунингдек гарчи ўз мансаб ваколатларига кўра тўсқинлик қилиши ва қарши курашиши шарт бўлса ҳам одам савдосига тўсқинлик қилмайдиган ёки қарши курашмайдиган мансабдор шахс.

Одам савдоси жабрланувчиларини савдо қилинганликлари билан бевосита боғлиқ бўлган жиноятлари учун жазолаш моҳиятан уларнинг қадр қимматини поймол этишдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 6-бобида шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар белгиланган бўлиб, мазкур бобнинг 135-моддасида одам савдоси жинояти ва бундай турдаги жиноятга нисбатан тайинланиши лозим бўлган жазо турлари ва муддатлари белгиланган.

Одам савдоси жабрланувчилари оғир жиноятнинг ҳам гувоҳларидир.

Жазо шarti тўғри, тенг ва адолатли қўлланилган тақдирда, давлатга одам савдоси жабрланувчиларининг қадр-қиммати ва хавфсизлигига нисбатан ҳурматни таъминлаган ҳолда судлов даражасини оширишга имконият беради.

**Риштон туманлараро иқтисодий суди судьяси
Умматова**

Мавлудахон

2021-07-29 09:29:11